

**ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
DSc.02/30.01.2020.К/Т.104.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ

ЮСУПОВА ЎҒИЛОЙ ЮСУФОВНА

***SILENE (TOMETELLA, PEROVII, CLAVIFORMIS), DIANTHUS
HELENAE* ЎСИМЛИК ТУРКУМЛАРИНИНГ
ФИТОЭКДИСТЕРОИДЛАРИ ВА УЛАРНИНГ БИОЛОГИК
ФАОЛЛИГИ**

02.00.10 – Биоорганик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферат мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of the dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Юсупова Ўғилой Юсуфовна

Silene (tomentella, popovii, claviformis), Dianthus helenae ўсимлик
туркумларининг фитоэктодистероидлари ва уларнинг биологик фаоллиги3

Yusupova Ugiloy Yusufovna

Phytoecdysteroids of plants of the genera *Silene (tomentella, popovii, claviformis), Dianthus helenae* and their biological activity 21

Юсупова Уғилой Юсуфовна

Фитоэктодистероиды растений родов *Silene (tomentella, popovii, claviformis), Dianthus helenae* и их биологическая активность 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 42

**ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
DSc.02/30.01.2020.К/Т.104.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ

ЮСУПОВА ЎҒИЛОЙ ЮСУФОВНА

***SILENE (TOMETELLA, PEROVII, CLAVIFORMIS), DIANTHUS
HELENAE* ЎСИМЛИК ТУРКУМЛАРИНИНГ
ФИТОЭКДИСТЕРОИДЛАРИ ВА УЛАРНИНГ БИОЛОГИК
ФАОЛЛИГИ**

02.00.10 – Биоорганик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий Таълим, фан ва инновациялар Вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/K264 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўсимлик моддалари кимёси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (uzicps.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим тармоғида (www.ziyo.net.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Рамазонов Нурмурод Шералиевич
кимё фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Арипова Салимахон Фазиловна
кимё фанлари доктори, профессор

Гафуров Махмуджан Бакиевич
кимё фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Миллий Университети

Диссертация ҳимояси Ўсимлик моддалари кимёси институти ҳузуридаги DSc.02/30.01.2020.K/T.104.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «__» _____соат__ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100170, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўч., 77. Тел.: (+99871) 262-59-13, факс: (+99871) 262-73-48).

Диссертация билан Ўсимлик моддалари кимёси институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўч., 77. Тел.: (+99871) 262-59-13, факс: (+99871) 262-73-48, e-mail: plant-inst@icps.org.uz).

Диссертация автореферати 2023 йил «__» _____да тарқатилди.
(2023 йил _____даги _____рақамли реестр баённомаси).

Ш.Ш. Сагдуллаев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Н.К. Хидирова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, к.ф.н.

Э. Х. Ботиров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, к.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги кунда дунё миқёсида инсон саломатлигига хавф солаётган касаллик турларининг ортиб бориши ўсимлик хом ашёлари асосида табиий физиологик фаол моддаларни ажратиб олиш, уларнинг физик-кимёвий хусусиятлари ва биологик фаоллигини аниқлаш ҳамда улар асосида янги, юқори самарали дори воситаларини яратиш борасида кенг қамровли илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Тиббиётда ўсимликлардан олинадиган дори воситаларига бўлган талабнинг ортиб бориши уларни синтетик аналогларига нисбатан заҳарсизлик кўрсаткичлари бўйича устун эканлигидадир. Шунга кўра, иммун тизимини рағбатлантирувчи маҳаллий ўсимлик хом ашё манбаларини аниқлаш, кимёвий таркибини асослаш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш муҳим илмий амалий аҳамиятга эга.

Жаҳонда биологик фаол бирикмаларга бой бўлган доривор ўсимлик манбааларини излаб топиш, ўсимликларнинг таркибидан биологик фаол моддаларни соф ҳолда ажратиб олиш, уларнинг фармако-токсикологик хусусиятларини аниқлашга оид илмий тадқиқотларга катта эътибор қаратилмоқда. Бу ўринда, терпеноидлар, витаминлар ва экдистероидлар асосида иммун тизими фаолиятини рағбатлантирувчи комплекс препаратлар ишлаб чиқарилмоқда. Ўсимликлардан ажратиб олинган фитоэктоидлар асосида тиббиёт амалиётида анаболик, стрессга қарши, гипогликемик хусусиятларига эга бир қанча дори воситалари ишлаб чиқарилган бўлиб, яллиғланишга қарши ҳамда иммун тизимини яхшиловчи самарали воситалар сифатида кенг қўлланилмоқда.

Ҳозирда Республикамизда маҳаллий доривор ўсимлик хом ашёлари асосида янги самарали дори воситаларини яратишга алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада муайян илмий ва амалий натижаларга эришилмоқда. Жумладан, экдистероидлар асосида “Экдистен”, “Аюстан” дори воситалари ва “Эксумид”, “Жистенин” каби биологик фаол қўшимчалар яратилган ва ишлаб чиқарилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Тараққиёт стратегиясининг 3-йўналишида “Фармацевтика саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 3 баровар кўпайтириш ва маҳаллий бозорни таъминлаш даражасини 80 фоизга етказиш” юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган¹. Бу борада, маҳаллий ўсимлик хом ашёлари асосида кимёвий ва биологик тадқиқотлар олиб бориш, улар асосида янги самарали дори воситаларини олиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 январдаги ПФ-55-сон “2022 — 2026 йилларда Республиканинг фармацевтика тармоғини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2019 йил 6 майдаги ПҚ-4310-сон “Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси” тўғрисидаги Фармони

белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. *Silene* туркумига мансуб ўсимликларнинг экдистероидлари кимёвий тузилишини тадқиқ қилиш, фармакологик хоссаларини аниқлаш ва улар асосида янги самарали доривор воситаларни яратиш бўйича хорижий етакчи олимлар L. Dinan, R. Lafont, Y. Fujimoto, D.H.S. Horn, P.Karlson, M.P. Calcagno, M. Bathori, M.N. Galbraith, Ю.Д. Холодова, Л.Н. Зибарева, В.В. Володин ва бошқалар илмий изланишлар олиб борган. Республикада бу борада ЎзР ФА Ўсимлик моддалари кимёси институти ва бошқа илмий текшириш институтларида ҳам шу йўналишда изланишлар олиб борилган.

Ўзбекистонда мазкур йўналиш ривожига Н.К. Абубакиров, М.Б. Горовиц, З. Саатов, Н.Д. Абдуллаев, Б.З. Усманов, У. Балтаев, В.Н. Сыров, Н.Ш. Рамазонов ва бошқалар катта ҳисса қўшганлар. *Silene popovii* ва *Dianthus helенаe* ўсимлик турларининг кимёвий таркиби бизнинг тадқиқотларимизгача ўрганилмаган.

Silene ва *Dianthus* туркум ўсимликлари заҳирасининг кўплиги, таркиби кўплаб иккиламчи метаболитларга бойлиги, кимёвий жиҳатдан тўла ўрганилмаганлиги, бу соҳада илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш ҳамда ўсимликлар таркибидан янги ва самарали биологик фаол бирикмаларни ажратиш олиш муҳимлиги ушбу мавзунини танлашга асос бўлиб хизмат қилади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўсимлик моддалари кимёси институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ФА-А11-Т206 “*Stachys* ва *Silene* туркум ўсимликлари асосида маҳаллий регенирацияловчи ва иммуномодуловчи фаолиқка эга препарат яратиш” (2012-2014), ФА-А11-ТО31 “Экдистерон ва унинг ярим синтетик ҳосилалари асосида қандли диабетни даволаш учун янги самарали воситасини яратиш” (2015-2017) мавзусидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади.

Silene tomentella (Schischk.), *Silene popovii* (Schischk.), *Silene claviformis* (Litv.), ва *Dianthus helенаe* (Vved.) ўсимликларининг фитоэкдистероидларини ажратиш олиш, уларнинг кимёвий тузилиши ҳамда биологик фаолликларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Silene tomentella, *S. popovii*, *S. claviformis* ва *D. helенаe* ўсимликларини экстракция қилиш ҳамда фракцияларга ажратиш;

олинган турли фракциялардан колонкали хроматография ва бошқа усуллар ёрдамида соф ҳолдаги бирикмаларни ажратиш олиш;

ажратиб олинган табиий бирикмаларнинг кимёвий тузилишини физик ва кимёвий усуллар ёрдамида исботлаш;

S. tomentella, *S. popovii*, *S. claviformis* ва *D. helenae* ўсимликларидан ажратиб олинган фитоэксдистероидларнинг биологик фаолликларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон флорасида ўсувчи *S. tomentella*, *S. popovii*, *S. claviformis* ва *D. helenae* ўсимлик турлари ва улар таркибидаги фитоэксдистероидлар танланган.

Тадқиқотнинг предмети *S. tomentella*, *S. popovii*, *S. claviformis* ва *D. helenae* ўсимлик турларидан ажратиб олинган фитоэксдистероидларнинг кимёвий тузилиши, физик-кимёвий хоссалари ва уларнинг биологик фаолликларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотлар жараёнида экстракция, хроматографик усуллардан юпқа қатламли хроматография (ЮҚХ), колонкали хроматография (КХ), юқори самарали юпқа қатламли хроматографиялардан (ЮСЮҚХ) фойдаланилган. Ажратиб олинган моддаларнинг тузилишларини аниқлашда УБ, ИҚ, бир (^1H , ^{13}C) ва икки ўлчамли (DEPT, HSQC, HMBC) ЯМР спектроскопияси усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк маротаба *Silene popovii* ўсимлигидан 9 та адабиётларда маълум фитоэксдистероидлар ва битта янги - 20-гидроксиэксдизон 25-О-бензоат бирикмаси ажратиб олинган ҳамда унинг тузилиши исботланган;

Silene tomentella ўсимлигидан 2 та маълум фитоэксдистероидлар ажратиб олинган ҳамда унинг тузилиши идентификация қилинган;

илк бор *Dianthus helenae* ўсимлигидан 6 та, *Silene claviformis* ўсимлигидан 2 та маълум фитоэксдистероидлар ажратиб олинган ва кимёвий тузилиши тадқиқ қилинган;

Silene, *Ajuga*, *Rhaponticum* туркум вакилларининг хилма-хиллиги таҳлил қилинган, 184 дан ортиқ *Silene*, *Ajuga*, *Rhaponticum* турларидаги 120 тадан ортиқ фитоэксдистероидларнинг ўсимликларда тарқалиши, кимёвий тузилиши ва ажратиб олинган манбалари тизимлаштирилган, натижалар асосида “Phytoecdysteroids: Properties, Biological Activity and Applications” номли монография тайёрланиб чоп этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

“Диантроп” биологик фаол қўшимчасига тегишли меъёрий техник хужжатлар (МТХ) ишлаб чиқилган бўлиб, ваколатли Давлат органлари томонидан тасдиқдан ўтказилган;

биологик тадқиқотлар натижасида *Dianthus helenae*, *Silene claviformis* ва *Silene tomentella* ўсимликлари фитоэксдистероидлар йиғмасининг ноотроп, стрессга ва диабетга қарши фаолликларни намоён этганлиги, шунингдек, ушбу ўсимликларнинг кенг тарқалганлиги келгусида дори воситаларини яратишда истиқболли хом ашёлар эканлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ажратиб олинган моддаларнинг тузилишини тадқиқ қилишда замонавий физикавий тадқиқот

усулларидан (УБ, ИҚ, ^1H , ^{13}C ЯМР спектроскопиялари), стандарт моддалар билан таққослаш усулларидан (ЮҚХ ва КХ) фойдаланилганлиги билан изоҳланади. Тадқиқот натижаларининг халқаро илмий конференциялардаги муҳокамаси ва тақриз қилинадиган илмий нашрларда чоп этилганлиги, 1 та биологик фаол қўшимчанинг меъёрий техник хужжатларини тегишли Давлат ташкилотларида тасдиқланганлиги ва 1 та ЎЗР патенти олинганлиги, натижаларнинг ишончлилигини тасдиқлайди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, зарур самарали дори воситаларини яратиш учун хом ашё манбаи бўла оладиган Ўзбекистон худудида ўсувчи *S. tomentella*, *S. claviformis*, *S. popovii* ва *Dianthus helenae* ўсимликларидан янги табиий бирикмаларни ажратиш ва уларнинг кимёвий хоссалари ҳамда тузилишларини исботланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, диссертация иши натижаларидан олий ўқув юртларида ҳамда илмий-тадқиқот муассасаларида ўсимликлардан фитоэкдистероидларни ажратиб олиш бўйича янги тадқиқотлар олиб бориш учун фойдаланилади.

S. tomentella, *S. claviformis*, *S. popovii* ва *Dianthus helenae* ўсимлик турларини кимёвий ва биологик ўрганиш натижасида улар таркибидаги фитоэкдистероидларнинг диабетга, микробларга қарши хусусияти баҳоланган, шунингдек, илк маротаба ноотроп фаолликка эга эканлиги аниқланган. Олинган бу натижалар келгусида ўрганилган ўсимликлар асосида дори воситаларини яратишда янги истиқболли хом ашё сифатида хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. *S. tomentella*, *S. claviformis*, *S. popovii* ва *Dianthus helenae* ўсимликларининг кимёвий таркиби ва биологик фаолликларини тадқиқ этиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ноотроп фаолликка эга биологик фаол қўшимча (БФҚ) “Диантроп”ни ишлаб чиқариш технологик йўриқномаси ва ташкилот стандарти ишлаб чиқилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати томонидан тасдиқланган (Ts 03535440-037:2020, 01.06.2020; ТИ 03535440-37:2020, 10.09.2020); Натижада маҳаллий хомашё асосида ноотроп таъсирга эга БФҚ ишлаб чиқиш имконини берган;

Гипогликемик фаолликка эга бўлган фитоэкдистероид учун ((2R,3R)-2-((1S,2S,3R,5R,10R,13R,14S,17S)-2,3-diacetoxy-1,14-dihydroxy-10,13-dimethyl-6-oxo-2,3,4,5,6,9,10,11,12,13,14,15,16,17-tetradecahydro-1H-cyclopenta[a]phenanthren-17-yl)-6-hydroxy-6-methylheptane-2,3-diyl diacetate, обладающее гипогликемической активностью) Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк марказининг ихтирога патенти олинган (№IAP 06824, 28.03.2022 й.);

Silene ва *Dianthus* туркумлари ўсимликларининг кимёвий таркиби ва биологик фаолликларини тадқиқ қилиш натижаларидан хорижий олимлар томонидан 10 дан ортиқ импакт фактори юқори журналларда чоп этилган

илмий ишларда ўсимликлардан ажратиб олинган бирламчи, иккиламчи метаболитларни кимёвий ва микдорий жиҳатдан тавсифлашда, шунингдек, микроб, замбуруғ, диабет ва стрессларга қарши фаолликларини тавсифлашда фойдаланилган (*RSC Advances*, 2022, 12, 5031, <https://doi.org/10.1039/D1RA07273K>, **IF- 4.03**; *Frontiers in Pharmacology*, 2022, 18, <https://doi.org/10.3389/fphar.2022.998965>, **IF- 5.98**; *International Journal of Molecular Sciences*, 2022, 23, 8364, <https://doi.org/10.3390/ijms23158664>, **IF- 6.20** ва ҳ.). Натижалар *Silene* ва *Dianthus* туркуми ўсимликларининг кимёвий таркиби ва биологик фаолликлари тўғрисида маълумотлар олиш имконини берган;

фитоэкдистероидларнинг кимёси, биологик фаолликлари ҳамда қўлланилиши тўғрисидаги маълумотлар монография кўринишида халқаро Springer нашриёти томонидан чоп этилган 7 бобли “**Phytoecdysteroids: Properties, Biological activity and Applications**” ҳаммуалифликда чоп этилган. Ушбу монография кўплаб иқтибосларга эга, шунингдек, маҳаллий, хорижий университет ҳамда институтларда кенг қўлланилиб, олимлар ва тадқиқотчиларга фитоэкдистероидлар бўйича тўлиқ маълумотлар олиш имкони яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот иши натижалари 12 та, жумладан 6 та халқаро ва 6 та республика илмий амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 22 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан 1 та монография, 1 та патент, Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги ОАКнинг кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларида 8 та мақола, жумладан, 1 та республика ва 7 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 106 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Фитоэкдистероидлар**” деб номланган **биринчи бобида** *Silene* ва *Dianthus* туркуми ўсимликлари бўйича адабиётлар шарҳи келтирилган. *Silene* ва *Dianthus* туркуми ўсимликларининг ботаник тавсифлари, табиатда тарқалиши, ажратиб олинган табиий бирикмалари ва

Ўсимликлар таркибидаги фитоэкистероидлар биосинтези ҳақида маълумот берилган. *Silene* ва *Dianthus* туркуми ўсимликлари таркибида кўп учрайдиган фитоэкистероидлар ҳақида умумий маълумотлар, уларнинг олиниши, тузилишини аниқлашда физик-кимёвий усулларига алоҳида тўхталиб ўтилган.


Диссертациянинг “**Олинган натижалар ва уларнинг муҳокамаси**” деб номланган **иккинчи бобининг** биринчи бўлимида ўрганилган ўсимликлар тўғрисида қисқача маълумот, иккинчи бўлимда амалга оширилган илмий тадқиқот натижалари, шунингдек, *Silene* туркумига мансуб 3 та тур *Silene tomentella*, *Silene popovii*, *Silene claviformis* ҳамда *Dianthus* туркумига мансуб 1 та тур *Dianthus helenae* ўсимликларидан ажратиб олинган фитоэкистероидлар рўйхати, уларни ажратиб олиш, янги фитоэкистероиднинг кимёвий тузилишини ва хоссаларини кимёвий жиҳатдан тадқиқ қилишда олинган натижалар муҳокама қилинган.

Ўсимликлар таркибидаги фитоэкистероидларни ажратиб олиш мақсадида майдаланган ўсимлик хом ашёси метанол билан хона ҳароратида 5 марта экстракция қилинди ва роторли буғлатгич ёрдамида қуюлтирилди. Ўсимлик ер устки қисмининг қуюлтирилган экстракти 1:1 нисбатда дистилланган сув билан суюлтирилгандан сўнг ажратгич воронкасида липофил моддалардан тозалаш мақсадида хлороформ билан бир неча марта қайта экстракция қилинди. Шу усулда тозаланган спирт-сувли экстракт этилацетат ҳамда *n*-бутанол ёрдамида фракцияга ажратилди. Кутблилиги юқори бўлган моддалар ўтган *n*-бутанолли фракция ва кутблилиги нисбатан паст бўлган этилацетатли фракциялар қуриштирилиб, силикагель адсорбентида ҳамда Sephadex LH-20да колонкали хроматография қилинди, натижада индивидуал ҳолдаги моддалар ажратиб олинди.

***Silene tomentella* Schischk. ўсимлигидан ажратиб олинган фитоэкистероидлар**

Silene tomentella Schischk. - маҳаллий ўзб.номи Зўрча, рус.номи Смолёвка бўлиб, бу ўсимлик Марказий Осиё (Ўзбекистон ва Қозоғистон) учун эндемик тур ҳисобланади. Тадқиқот учун ушбу ўсимлик Навоий вилояти Конимех туманининг тепаликларидан терилган.

Silene tomentella ўсимлигини кимёвий тадқиқ қилиш натижасида сув-спиртли экстрактининг *n*-бутанолли фракциясидан 11та маълум фитоэкистероидлар: томентестерон А (1), томентестерон В (2), витикостерон Е (3), 2-дезоксид- α -экизон (4), полиподин В (5), 20-гидроксиэкизон (6), интегрестерон А (7), силенеозид Д (8), 2,3,20,22-диацетонид 20-гидроксиэкизон (9), циастерон (10), α -экизон (11)лар ажратиб олинди. Қуйидаги моддалар: 2,3,20,22-диацетонид 20-гидроксиэкизон(9), циастерон(10), α -экизон (11)лар ушбу ўсимликдан биринчи мартаба ажаратиб олинган (1-расм). Уларнинг кимёвий тузилишлари УБ, ИҚ, ^1H ва ^{13}C ЯМР спектрларини таҳлил қилиш, шунингдек, ЮҚХ ҳамда бир қанча физик-кимёвий катталиклари асосида аниқланган (1-жадвал).



1-расм. *Silene tomentella* ўсимлигидан ажратиб олинган фитоэкдистероидлар

1-жадвал

***Silene tomentella* ўсимлигидан ажратилган фитоэкдистероидларнинг физик-кимёвий катталиклари**

Бирикма номи	Брутто формуласи	с.х., °С	$\alpha_{[D]}$ град.	Унум, %
ТоментестеронА (1)	$C_{36}H_{50}O_7$	139-140	+61.1±2	0,00008
ТоментестеронВ (2)	$C_{34}H_{48}O_6$	145-147	+65.1±2	0,000062
Витикостерон Е (3)	$C_{29}H_{46}O_8$	195-196	+59.2±2	0,00045
2-Дезокси- α -экдизон (4)	$C_{27}H_{44}O_5$	234-235	+93.2±2	0,00065
Полиподин В (5)	$C_{27}H_{44}O_8$	252-254	+94.2±2	0,0018

20-Гидроксиэкдизон (6)	C ₂₇ H ₄₄ O ₇	241-242	+63,2±2	0,0020
Интегристерон А (7)	C ₂₇ H ₄₄ O ₈	246-248	+36.1±2	0,00053
Силенеозид D (8)	C ₃₃ H ₅₄ O ₁₂	240-242	+91.4±2	0,00071
2,3,20,22-Диацетонид-20-гидроксиэкдизон (9)	C ₃₃ H ₅₂ O ₇	220-221	+36,8±2	0.00088
Циастерон (10)	C ₂₉ H ₄₄ O ₈	162-163	+60.0±2	0.00074
α-Экдизон (11)	C ₂₇ H ₄₄ O ₇	234	+93.3±2	0.00051

Юқоридаги жадвалда келтирилган саккизта фитостероидлар (1-8) колонкали хроматография ёрдамида ажратиб олиниши билан бир қаторда 2,3,20,22-диацетонид-20-гидроксиэкдизон (9), циастерон (10), α-экдизон (11)лар ушбу ўсимликдан илк мартаба ЮСЮҚХ усулини қўллаган ҳолда ажратиб олинди.

***Silene tomentella* ўсимлигининг фитостероидларини ЮСЮҚХ усули ёрдамида ажратиш**

Майдаланган ўсимлик хомашёсини (ер устки қисми 1.0 кг) ультратовушли ҳаммомда (100 Vt, 35 kHz) MeOH (25°C, 2 соат) умумий 3 марта экстракция қилинди. Олинган экстрактни вакуумда ҳайдаб қуритилгач, тенг ҳажмдаги H₂O билан суюлтирилди ва олинган сувли қисмни аввал хлороформ, кейин этилацетат ва бутанол билан экстракцияси амалга оширилгандан сўнг, вакуум остида (Heidolph Instruments GmbH & CO. KG, Germaniya) 30°C остида эритувчилари буғлатилди. Фитостероидларни ажратиш учун KSK (63–100 μm; Chemapol, Praha, Czech Republic) маркали силикагельдан фойдаланилди. Фитостероидларнинг тозалиги ЮҚХ ёрдамида текширилди. ЮҚХ Silufol F254 (Kavalier, Sazava, Chexiya) билан қопланган пластинкаларда амалга оширилди. Ҳосил бўлган доғлар ванилин/H₂SO₄ реагенти билан пуркаб УБ нурлари ёрдамида аниқланди, кейин 10 дақиқа давомида 120°C да қиздирилди. Бутанол экстракти қуритилиб, олинган масса (10.5 г) силикагель солинган колонкали хроматография усулида (хлороформ: метанол) системаларида (100:1, 60:1, 50:1, 30:1, 20:1, 15:1, 9:1, 4:1) ажратилди. Бунда 14-15 фракциялар ЮСЮҚХ (Camag, Muttenez, Швейцария) усулидан фойдаланиб, ўлчами 20 см×10 см бўлган пластинкалар (Merck, Germaniya) ёрдамида ажратилди.


***Silene popovii* Schischk. ўсимлигининг фитостероидлари**

Silene popovii (Schischk.) тур ўсимлиги Ўзбекистон учун эндемик ҳисобланиб, ушбу ўсимлик тадқиқот учун Самарқанд вилояти Зирабулоқ тоғларидан терилган.

S. popovii ўсимлиги биз томонимиздан биринчи марта кимёвий тадқиқ қилинди ва ушбу тур ўсимлигидан илк мартаба 10 та фитостероид 2-расм келтирилган чизма орқали ажратиб олинди. *S. popovii* ўсимлиги ер устки қисми сув-спиртли (метанол) экстрактининг *n*-бутанолли фракциясидан фитостероидларни кимёвий тадқиқ қилиш давомида унинг таркибидан маълум фитостероидлар: 20-гидроксиэкдизон 25-О-

ацетат (3), экизон (4), полиподин В (5), 20-гидроксиэкизон (6), 2,3,20,22-диацетонид-20- гидроксиэкизон (9), циастерон (10), экизон (11), 2-дезоксид-20- гидроксиэкизон 2-О-ацетат (12), 2-дезоксид 20-гидроксиэкизон (13) лар индивидуал ҳолда ажратиб олинган (1-ва 3-расмлар, 2-жадвал).

Фитоэкистероидлар йиғмасидан ташкил топган бир қанча моддалар аралашмасини КХ усулида хлороформ:метанол (100:0 дан 0:100 гача) эритувчилар системасида бир қанча индивидуал моддаларга ажратилди. Бунда, фракция Е3 деб номланган аралашмаси бўлган кам миқдордаги моддани Sephadex LH-20 EtOAc-ацетонитрил-Н₂О (42:2:1) нисбатидаги сиситема орқали рехроматография қилиш натижасида битта янги фитоэкистероид - 20-гидроксиэкизон 25-О-бензоат (14) соф ҳолда ажратиб олинди.



2-расм. *Silene popovii* ўсимлигидан фитоэкистероидларни ажратиб олиш чизмаси

H-22), 3.82 (ддд, $J = 12.0, 4.4, 3.0$ Гц, H-2) ва 3.94 (к, $J = 3.0$ Гц, H-3), кислород атоми билан боғланган углероддаги протонларга хосдир. Спектрдаги кейинги ютилиш олефин протон дублет сигнали $\delta_{\text{H}} 5.79$ ($J = 2.5$ Гц, H-7)ни кузатиш мумкин. Спектрда ароматик протонларга мос келадиган ютилишлар $\delta_{\text{H}} 7.45$ (H-3',5'), 7.56 (H-4') и 7.95 (H-2',6'), моноалмашинган бензол ҳалқасидаги учта мультиплет сигналларига мос келади (3-жадвал).

3-жадвал

20-Гидроксиэксдизон 25-О-бензоатнинг ^1H ва ^{13}C ЯМР спектрларида кимёвий силжиш қийматлари (CD_3OD , δ , м.д.).


Атом С	δ_{C}	δ_{H}	Атом С	δ_{C}	δ_{H}
1	37.37	1.42 (дд, $J=13.4, 12.2$) 1.78 (м)	17	50.58	2.34 (дд, $J=9.4, 8.2$)
2	68.72	3.82 (ддд, $J=12.0, 4.4, 3.0$)	18	18.08	0.87 (с)
3	68.53	3.94 (к, $J=3.0$)	19	24.41	0.95 (с)
4	32.85	1.67 (м) 1.75 (м)	20	77.87	
5	51.80	2.35 (дд, $J=13.1, 4.4$)	21	21.07	1.19 (с)
6	206.47		22	78.23	3.37 (дд, $J=10.6, 1.8$)
7	122.15	5.79 (д, $J=2.5$)	23	27.17	1.37 (ддд, $J=13.4, 11.9, 10.6, 4.8$) 1.73 (м)
8	167.99		24	40.48	1.93 (м) 2.16 (ддд, $J=13.7, 12.4, 4.8$)
9	35.08	3.13 (ддд, $J=11.6, 7.2, 2.7$)	25	84.38	
10	39.26		26	26.08	1.60 (с)
11	21.62	1.71 (м) 1.98 (м)	27	26.64	1.62 (с)
12	32.49	2.10 (тд, $J=13.2, 5.0$) 1.85 (ддд, $J=13.2, 5.0, 2.1$)	1'	133.11	
13	48.56		2', 6'	130.35	7.95 (д, $J=8.0$)
14	85.15		3', 5'	129.50	7.45 (м)
15	31.82	1.57 (м) 1.96 (м)	4'	133.81	7.56 (м)
16	21.52	1.70 (м) 1.77 (м)	7'	167.36	

20-гидроксиэксдизон 25-О-бензоат (14)нинг ^{13}C ЯМР ва HSQC маълумотларини таҳлил қилиш орқали унда 34 та углерод атоми сигналлари мавжудлиги аниқланди, яъни 9 та тўртламчи, шу жумладан иккита карбонил, 12 та метин, 8 та метилен ва 5 та метил углерод атомлари билан ифодаланган. ^{13}C ЯМР спектрининг кучсиз майдон қисмида кетон гуруҳининг сигнали $\delta_{\text{C}} 206.47$ (C-6), шунингдек, битта тўртламчи углерод атоми $\delta_{\text{C}} 167.99$ (C-8) да ва

битта карбонил мураккаб эфир атоми δ_C 167.34 (C-7') мавжуд. Ароматик углерод атомлари моноалмашилган бензол ҳалқасининг характерли сигналлари δ_C 133.81 (C-4'), 133.11 (C-1'), 130.35 (C-2',6'), 129.50 (C-3',5') ва олефин углерод атоми δ_C 122.15 (C-7) да кузатилди. Спектрнинг кучлироқ майдонида кислород билан боғланган углерод атомларига хос бўлган олтига, δ_C 85.15 (C-14), 84.38 (C-25), 78.23 (C-22), 77.87 (C-20), 68.72 (C-2) ва 68.53 (C-3) сигналлари кузатилди. Шу билан бир қаторда, алифатик ва метил гуруҳларидаги углерод атомларига тегишли 18 та сигналлар мавжуд. Молекуладаги бешта метил гуруҳларининг жойлашуви Н-18/С-12, С-13, С-14, С-17, Н-19/С-9, С-1, С-10, С-5; Н-21/С-17, С-20, С-22; Н-26(Н-27)/С-24, С-25 НМВС кросс-пиклари асосида унга мос равишда С-13, С-10, С-20 ва С-25 углерод атомларида эканлиги аниқланди. Н-7/С-5, С-9 ва С-14 кросс чўққилари таъсирлашуви асосида молекулада С-7 ва С-8 атомлари орасида олефин боғларининг мавжудлигини кўрсатади. Бундан ташқари, НМВС спектрида Н-2', 6'/С-4', С-7'; Н-3',5'/С-1' лар орасидаги ўзаро таъсирлашувлар борлиги кузатилди. Ушбу келтирилган маълумотлар бирикма (14) таркибида бензоил кислота қолдиғидан борлигидан ташқари, 20-гидроксиэкдизон (6)га ўхшаш тузилишга эга эканлигини кўрсатди. Шундан келиб чиққан ҳолда, С-25 (84,38 м.у.) углерод атоми сигналининг 20-гидроксиэкдизон (6) билан солиштирилганда, кучсиз майдон томонга (13,08 м.у) силжиши ушбу ҳолатда ўринбосар мавжудлигини кўрсатди. Шундай қилиб, юқоридаги маълумотларга асосланиб, 14-бирикманинг тузилиши 20-гидроксиэкдизон 25-О-бензоат эканлиги исботланди.

***Silene claviformis* ўсимлиги фитоэкдистероидлари**

Silene claviformis Litv., (русча номи - смолоёвка булавовидная, ўзбекча номи - зўрча) - ушбу ўсимлик Тошкент ва Самарқанд вилоятлари тоғли худудларининг куйи ён бағирларида ўсадиган кўп йиллик ўт ўсимлик бўлиб, тадқиқот учун Тошкент вилояти тоғ ён бағирларидан терилган. *Silene claviformis* ўсимлигидан биологик фаол моддаларни ажратиш давомида бир қанча маълум экдистероидлар: 2-дезоксид- α -экдизон (4), полиподин В (5), 20-гидроксиэкдизон (6), интегристерон А (7), циастерон (10), экдизон (11), 25-дезоксид экдизон (15), 2-дезоксидэкдизон 22-О-ацетат (16), макистерон А (17), 5 α -2-дезоксидэкдизон (18)лар ажратиб олинди. Бу бирикмаларнинг тузилиши физикавий тадқиқот усуллар (^1H ва ^{13}C ЯМР спектроскопия) ҳамда физик-кимёвий константалар ёрдамида идентификация қилинди (4-жадвал). Полиподин В (5), 2-дезоксидэкдизон 22-О-ацетат (16), 5 α -2-дезоксидэкдизон (18), циастерон (10) лар ушбу ўсимлик туридан биринчи мартаба ажратиб олинди (1-ва 4-расмлар).



4-расм. *Silene claviformis* ўсимлигидан ажратиб олинган фитоэкдистероидлар
4-жадвал

***Silene claviformis* ўсимлигидан ажратилган
фитоэкдистероидларнинг физик-кимёвий катталиклари**

Бирикма номи	Брутто формуласи	с.х., °С	[α] _D град.	Унум,%
2-Дезокси-α-экдизон (4)	C ₂₇ H ₄₄ O ₅	240-241	+92.1±2	0.00033
Полиподин В (5)	C ₂₇ H ₄₄ O ₈	250-251	+ 94.2±2	0.0004
20-Гидроксиэкдизон(6)	C ₂₇ H ₄₄ O ₇	240-241	+63.2±2	0,0008
Интегристерон А (7)	C ₂₇ H ₄₄ O ₈	246-248	+36.1±2	0.0004
Циастерон (10)	C ₂₉ H ₄₄ O ₈	157-158	+60.0±2	0.00025
α-Экдизон (11)	C ₂₇ H ₄₄ O ₇	233-234	+ 64.7±2	0.00022
25-Дезоксиэкдизон (15)	C ₂₇ H ₄₄ O ₅	219	-	-
2-Дезоксиэкдизон 22-О-ацетат (16)	C ₂₉ H ₄₂ O ₈	222	-	-
Макистерон А (17)	C ₂₈ H ₄₆ O ₇	262	+ 60.1±2	0.0002
5α-2-Дезокси-экдизон (18)	C ₂₇ H ₄₄ O ₅	-	-	0.00012

***Dianthus helенаe* ўсимлиги фитоэкдистероидлари**

Dianthus helенаe Vved. Нурота (Самарқанд вилояти) тоғларининг қуйи камаридаги ер ён бағирларида ўсади. Ушбу ўсимлик тадқиқот учун Самарқанд вилоятининг Зирабулоқ қишлоғидан терилган.

Dianthus helенаe ўсимлиги фитоэкдистероидларини ўрганиш давомида унинг таркибидан маълум экдистероидлар: 2-дезокси-экдизон (4), полиподин В (5), 20-гидроксиэкдизон (6), 2,3,20,22-диацетонид-20-гидроксиэкдизон (9), циастерон (10) ва α-экдизон (11) лар ажратиб олинди (1-расм). Ушбу ажратилган маълум фитоэкдистероидлар бу ўсимликдан биринчи марта

ажратиб олинди ва уларнинг тузилиши физик-кимёвий катталиклар ҳамда физикавий тадқиқот усуллар (1D ва 2D ЯМР) ёрдамида идентификация қилинди (5-жадвал).

5-жадвал

***Dianthus helенаe* ўсимлигидан ажратилган
фитоэксдистероидларнинг физик-кимёвий катталиклари**

Бирикма номи	Брутто формуласи	с.х., °С	[α] _D град.	Унум, %
2-Дезокси-α-эксдизон (4)	C ₂₇ H ₄₄ O ₅	233-234	+ 92.3±2	0.00034
Полиподин В (5)	C ₂₇ H ₄₄ O ₈	252-253	+ 94,2±2	0.00042
20-Гидроксиэксдизон (6)	C ₂₇ H ₄₄ O ₇	241-242	+63.2±2	0.00088
2,3,20,22-Диацетонид-20-гидроксиэксдизон (9)	C ₃₃ H ₅₂ O ₇	220-221	+ 36,8±2	0.00043
Циастерон (10)	C ₂₉ H ₄₄ O ₈	162-163	+ 60,0±2	0.00052
α-Эксдизон (11)	C ₂₇ H ₄₄ O ₆	236-237	+ 92.2±2	0.00039

Диссертация ишининг “**Тажриба қисми**” деб номланган учинчи бобида ўсимлик объектларидан индивидуал моддаларни ажратиб олиш усуллари; тузилиши тасдиқланган янги индивидуал модда ва тузилишлари маълум бирикмаларнинг тузилишларини тасдиқловчи спектрал (УБ, ИҚ, 1D ва 2D ЯМР спектроскопия, масс спектрометрия) маълумотлари келтирилган. Янги индивидуал модда ва маълум моддаларнинг кимёвий тузилишлари ўсимлик моддалари кимёси институти Физикавий тадқиқот усуллари лабораторияси ходимлари билан ҳамкорликда бажарилди.

Диссертация ишининг “*Silene tomentella*, *Silene claviformis* ва *Dianthus helенаe* ўсимликлари фитоэксдистероидлари ва уларни йиғмасининг биологик фаолликлари” деб номланган тўртинчи бобида, ўсимлик экстрактлари ва ажратиб олинган индивидуал фитоэксдистероидларнинг бактерия ва замбуруғларга қарши, диабетга қарши фаоллиги, стрессга қарши ва ноотроп биологик фаолликлари ўсимлик моддалари кимёси институтининг Фармакология ва токсикология бўлими ҳамда Молекуляр Генетика лабораториялари илмий ходимлари билан ҳамкорликда бажарилди.

***Silene tomentella* ўсимлиги фитоэксдистероидлар йиғмасининг (ФЙ)
биологик фаоллиги**

Silene tomentella ўсимлиги таркибидаги томентестерон А (1), томентестерон В (2), витикостерон Е (3), 2-дезокси-α-эксдизон (4), полиподин В (5), 20-гидроксиэксдизон (6), интегристерон А (7), силенеозид D (8) ва циастерон (10)лардан ташкил топган фитоэксдистероидлар йиғмасини (ФЙ) диабетга қарши фаоллиги ўрганилган. Ушбу тадқиқот фармакология ва токсикология бўлими ходимлари т.ф.д., проф В.Н. Сыров ҳамда Н.Х. Юлдашевлар томонидан амалга оширилган. Тажрибалар шуни кўрсатдики, ФЙ ҳайвон организмига киритилгандан сўнг 3 соат ичида дастлабки

даражага нисбатан маълум бир гипогликемик таъсирга олиб келган. Глюкоза ва аллоксан қабул қилиш натижасида келиб чиққан гипергликемияси бўлган хайвонларда ФЙ глибенкламид дори воситасига қараганда анча юқори фаолликни намоён қилганлиги аниқланди.

Шунингдек, *Silene tomentella* ўсимлигидан ажратилган индивидуал фитостероид ((2R,3R)-2-((1S,2S,3R,5R,10R,13R,14S,17S)-2,3-diacetoxy-1,14-dihydroxy-10,13-dimethyl-6-oxo-2,3,4,5,6,9,10,11,12,13,14,15,16,17-tetradecahydro-1H-cyclopenta[a]phenanthren-17-yl)-6-hydroxy-6-methylheptane-2,3-diyl diacetate)ни қандли диабетга қарши текширилганда унинг фаоллиги Глукейр (Ҳиндистон) воситасига нисбатан юқори фаолликни намоён қилди. Олинган натижалар асосида ихтирога патент олинди.

***Silene claviformis* ўсимлиги ФЙнинг биологик фаоллиги**

Silene claviformis ўсимлиги экстрактларининг (метанол, хлороформ, н-бутанол) Агар диффузия усулидан фойдаланган ҳолда бактерия ва замбуруғга (*Staphylococcus aureus* (АТСС 25923), *Bacillus subtilis* (RKMUZ - 5); *Pseudomonas aeruginosa* (АТСС 27879), *Escherichia coli* (RKMUZ - 221); ва *Candida albicans* (RKMUZ - 247) қарши фаоллиги текширилди. Ушбу тадқиқот Генетика лабораторияси ходимлари б.ф.д. С. Сасмаков ва б.ф.д., проф. Ш.С. Азимовалар томонидан амалга оширилган. Синов натижалари шуни кўрсатдики, алоҳида ажратилган индивидуал бирикмалар (макистерон А (17), полиподин В (5), 20-гидроксиэксдизон (6), 2,3,20,22-диацетонид-20-гидроксиэксдизон (9), интегристерон А (7), циастерон (10), 5 α -2-дезоксид- α -эксдизон (18), α -эксдизон (11)) микроорганизм штамmlарига текширилганда бактерия ва замбуруғга қарши фаоллик кўрсатмади.

Шунингдек, *Silene claviformis* ўсимлигидан ажратилган 2-дезоксидэксдистерон (14), полиподин В (5), 20-гидроксиэксдизон (6), макистерон А (17), интегристерон А (7), циастерон (10), 5 α -2-дезоксидэксдизон (18), 2-дезоксид- α -эксдизон (4) лар аралашмасидан иборат фитостероидлар йиғмасининг стрессга қарши фаоллиги синовдан ўтказилди. Ушбу фармакологик тадқиқотлар т.ф.д., проф. В.Н. Сыров ва Ф.Эгамовалар томонидан амалга оширилди. Олинган натижалар шуни кўрсатдики, буйрак усти безлари массаси ва организм таркибидаги аскорбин кислотаси 56.5% га, унга мос равишда холестерин миқдори 49.1% га сезиларли даражада ошган. Жигарда гликоген миқдорининг сезиларли даражада ошиши (30.1%) ва липидларнинг пероксидли оксидланиш жараёнларининг сезиларли камайиши қайд этилган, бу органдаги малондиальдегид миқдорининг 69.2%га камайиши билан кўрсатилган.

***Dianthus helенаe* ўсимлиги ФЙнинг биологик фаоллиги**

Ушбу тадқиқотда *Dianthus helенаe* ўсимлигининг ер устки қисмидан ажратиб олинган ФЙ (α -эксдизон (11), 2-дезоксид- α -эксдизон (4), 20-гидроксиэксдизон (6), 2,3,20,22-диацетонид-20-гидроксиэксдизон (9), полиподин В (5), циастерон (10)) дан иборат моддалар йиғиндисини марказий асаб тизимига таъсири фармакологик анализаторлар никотин, ареколин, коразол билан чақирилган титроқ ва тутқаноққа таъсирлари ўрганилди. Бу фармакологик тажрибалар фармакология ва токсикология

лабораторияси ходимлари Ж. Режепов ва А.Азаматовлар томонидан амалга оширилди. Тажриба ҳайвонларига юборилган фитоэкдистероидлар йиғмасини 5.0-10.0-25.0-50.0 мг/кг дозалари орасидан 25.0 мг/кг дозаси энг юқори фаолликни намоён қилди. Натижада, “**Нанотропил ново**” дори воситаси билан солиштирганда назорат ҳайвонларига нисбатан ҳаракатланиш фаоллиги 1.2 барабар, қидирув фаоллиги (вертикал ҳолат) 2.2 барабар ва изловчанлик фаоллигини 1.4 баробар кучайтирган. Олинган натижалар асосида ноотроп фаолликка эга “Диантроп” номли БФҚга ишлаб чиқариш технологик йўриқномаси ва ташкилот стандарти ишлаб чиқилган (Ts 03535440-036:2020, 01.06.2020) (ТЙ 03535440-32:2018, 10.09.2020) ва Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармаси томонидан тасдиқланган. Натижада ноотроп фаоллигига эга “Диантроп” биологик фаол қўшимчасига капсула шакллари ишлаб чиқариш имконини берган.

Хулосалар

1. Биринчи марта Ўзбекистон флораси учун эндемик ҳисобланган Caryophyllaceae оиласининг вакиллари *Silene* ва *Dianthus* туркумларига мансуб *Silene popovii* ва *Dianthus helenae* ўсимликларининг фитокимёвий таркиби ўрганилган.

2. *Silene* ва *Dianthus* туркумларига мансуб 4 та тур ўсимликларидан жами 18 та фитоэкдистероидлар ажратилиб, улардан 10 таси ушбу турлардан биринчи мартаба ажратиб олинган ва тузилишлари физикавий тадқиқот усуллари (ESI-MS, TLC-MS, ИҚ, УБ, 1D ва 2D ЯМР спектроскопия) ёрдамида тадқиқ қилинган.

3. *Silene claviformis* ўсимлиги таркибидан 2 та, *Dianthus helenae* ўсимлигидан 6 та ва *Silene popovii* ўсимлигидан 9 та маълум фитоэкдистероидлар ажратиб олинди, индентификация қилинган. Шунингдек, битта янги - 20-гидроксиэкдизон 25-О-бензоат фитоэкдистероиди ажратиб олинган ва унинг тузилиши замонавий физик-тадқиқот усуллари ёрдамида исботланган.

4. *Silene tomentella* ўсимлиги фитоэкдистероидининг гипогликемик фаоллиги аниқланиб, унинг асосида Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк марказининг (№IAP 06824, 28.03.2022 й.) ихтирога патенти олинган.

5. *Dianthus helenae* ўсимлигидан ажратиб олинган фитоэкдистероидлар йиғмасининг ноотроп фаоллиги биринчи марта ўрганилди ҳамда ноотроп фаолликка эга “Диантроп” номли БФҚ учун ташкилот стандарти ва технологик йўриқномалар (Ts 03535440-037:2020, 01.06.2020) (ТИ 03535440-37:2020, 10.09.2020) ишлаб чиқилиб, Ўзбекистон Республикаси “Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармаси” томонидан тасдиқланган.

6. Фитоэкдистероидларнинг кимёси, биологик фаолликлари ҳамда қўлланилиши тўғрисидаги 7 бобли “Phytoecdysteroids: Properties, Biological activity and Applications” монография халқаро Springer нашриёти томонидан чоп этилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02/30.01.2020.К/Т.104.01 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ
ХИМИИ РАСТИТЕЛЬНЫХ ВЕЩЕСТВ**

ИНСТИТУТ ХИМИИ РАСТИТЕЛЬНЫХ ВЕЩЕСТВ

ЮСУПОВА УГИЛОЙ ЮСУФОВНА

**ФИТОЭКДИСТЕРОИДЫ РАСТЕНИЙ РОДОВ *SILENE* (*TOMENTELLA*,
ROPOVII, *CLAVIFORMIS*), *DIANTHUS HELENAE* И ИХ
БИОЛОГИЧЕСКАЯ АКТИВНОСТЬ**

02.00.10 – Биоорганическая химия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент-2023

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве Высшего Образования, Науки и Инновации Республики Узбекистан за номером B2019.4.PhD/K261.

Диссертация выполнена в Институте химии растительных веществ.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (uzicps.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Рамазонов Нурмурод Шералиевич
доктор химических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Арипова Салимахон Фазиловна
доктор химических наук, профессор

Гафуров Махмуджан Бакиевич
доктор химических наук, профессор

Ведущая организация:

Национальный Университет Узбекистана

Защита диссертации состоится «__» _____ 2023 г. в __ часов на заседании Научного совета DSc.02/30.01.2020.K/T.104.01 при Институте химии растительных веществ (адрес: 100170, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 77. Тел.: (+99871) 262-59-13, факс: (+99871) 262-73-48).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института химии растительных веществ (регистрационный номер №__) (адрес: 100170, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 77. Тел.: (+99871) 262-59-13, факс: (+99871) 262-73-48, e-mail: plant_inst@icps.org.uz).

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2023 года.
(реестр протокола рассылки __ от _____ 2023 года).

Ш.Ш. Сагдуллаев

Председатель Научного совета по присуждению
ученых степеней, д.т.н., профессор

Н.К. Хидирова

Ученый секретарь Научного совета по присуждению
ученых степеней, к.х.н.

Э. Х. Ботиров

Председатель Научного семинара при Научном совете
по присуждению ученых степеней, к.ф.д., профессор

ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время во всем мире в связи с увеличением числа заболеваний, угрожающих здоровью человека, проводится большая научно-исследовательская работа по выделению природных физиологически активных веществ на основе растительного сырья, определению их физико-химических свойств и биологической активности, а также созданию на их основе новых высокоэффективных лекарственных препаратов. Возрастающий спрос в медицине на лекарственные средства, полученные из растений, обусловлен их превосходством в плане нетоксичности по сравнению с синтетическими аналогами. В связи с этим выявление источников местного растительного сырья, стимулирующих иммунную систему, обоснование их химического состава и внедрение в производство имеет важное научное и практическое значение.

В мире большое внимание уделяется научным исследованиям по поиску источников лекарственных растений, богатых биологически активными соединениями, извлечению биологически активных веществ из растений, определению их фармако-токсикологических свойств. На основе терпеноидов, витаминов и экидистероидов разрабатываются комплексные препараты, стимулирующие деятельность иммунной системы. На основе фитоэкидистероидов для медицинской практики создан ряд препаратов с анаболическим, антистрессовым, гипогликемическим свойствами, которые широко используются в качестве эффективных противовоспалительных и иммуностимулирующих средств.

В настоящее время в Республике Узбекистан уделяется особое внимание созданию новых эффективных лекарственных средств на основе местного лекарственного растительного сырья, и в этой связи достигаются определенные научные и практические результаты. В частности, на основе экидистероидов созданы препараты «Экидистен», «Аюстан» и биологически активные добавки, такие как «Эксумид», «Жистенин». По 3-му направлению Стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан определены важные задачи в связи с «3-кратным увеличением объема производства продукции фармацевтической промышленности и достижения 80%-ного уровня поставок на местный рынок»². В связи с этим актуальным является проведение химико-биологических исследований на основе местного растительного сырья, получение на его основе новых эффективных лекарственных средств.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в постановлении Президента Республики Узбекистан № ПП-55 от 21 января 2022 года «О дополнительных мерах по опережающему развитию фармацевтической отрасли Республики в 2022-2026 годах», указе Президента Республики Узбекистан № УП-4310 от 6

² Указ президента Республики Узбекистан «О стратегии развития нового Узбекистана на 2022 — 2026 годы» от 28.01.2022 № УП-60.

мая 2019 года «О мерах по дальнейшему развитию системы медицинского и фармацевтического образования и науки», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии Республики Узбекистан. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики VI «Медицина и фармакология».

Степень изученности проблемы. Ведущими зарубежными учеными L. Dinan, R. Lafont, Y. Fujimoto, D.H.S. Horn, P.Karlson, M.P. Calcagno, M. Bathori, M.N. Galbraith, Ю.Д. Холодовой, Л.Н. Зибаревой, В.В. Володиным и др. проведены научные исследования по изучению экдистероидов растений рода *Silene*, установлению их химической структуры, определению фармакологической активности и на основе полученных результатов созданию медицинских препаратов. В республике исследования в этом направлении проводились также в Институте химии растительных веществ АН РУз и в других научно-исследовательских институтах.

В развитие этого направления в Узбекистане большой вклад внесли Н.К. Абубакиров, М.Б. Горовиц, З. Саатов, Н.Д. Абдуллаев, Б.З. Усманов, У. Балтаев, В.Н. Сыров, Н.Ш. Рамазонов и другие. Химический состав видов растений *Silene popovii* и *Dianthus helenae* до наших исследований не изучался.

Выбор данной темы обусловлен тем, что запасы растений *Silene* и *Dianthus* достаточны, их состав богат вторичными метаболитами, химический состав полностью не изучен, проведение научно-практических работ в этом направлении и извлечение из данных растений новых и эффективных биологически активных соединений значимо и актуально.

Связь темы диссертации с научно-исследовательскими работами института, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование соответствует плану научно-исследовательских работ Института химии растительных веществ в рамках прикладных проектов ФА-А11-Т206 “Разработка отечественного препарата, обладающего регенерационной и иммуностимулирующей активностью на основе экдистероидов растений рода *Stachys* и *Silene*” (2012-2014), ФА-А11-ТО31 “Разработка нового эффективного средства для лечения сахарного диабета на основе экдистерона и его полусинтетических производных” (2015-2017).

Цель исследования состоит в изучении фитоэкдистероидов растений *Silene tomentella* (Schischk.), *Silene popovii* (Schischk.), *Silene claviformis* (Litv.) и *Dianthus helenae* (Vved.), произрастающих на территории Узбекистана, выделении, установлении их химической структуры, а также определении биологической активности.

Задачи исследования:

экстракция растительного сырья *Silene tomentella*, *S. popovii*, *S. claviformis*, *D. helenae* и разделение полученных экстрактов на фракции;

выделение индивидуальных веществ из различных фракций колоночной хроматографией и другими методами;

доказательство химического строения выделенных индивидуальных фитостероидов химическими и физико-химическими методами исследований;

установление биологической активности фитостероидов, выделенных из растений *S. tomentella*, *S. popovii*, *S. claviformis* и *D. helenae*.

